

Бол тотли деб
бармогингни тишлама.
Макол

1

Аканг карагай кишлокка кайфияти бузилиб, рухи эзилиб, минг-минг пушаймонлар еб кайтиб келди. Бўлиб ўтган аччик ичакдай узун гапларни хеч кимга, хатто, кўрбошига хам айтмади.

Айтсам, Тошкентга бориб, тогам билан юлишиб келишдан кайтмайди, деб ўйлади. Бўлмаса, кўрбошидан яширадиган сири йўк, хатто, улфатлар гурунгларидаги нозик-нозик хазил-хузуллар хам ичида колмайди. Кўрбоши хам, айтмаса, жим караб турадиган анойилардан эмас: ичидагиларни балик овлагандек битта-битталаб сугуриб олмагунича кўнгли жойига тушмайди.

Кўрбоши — аканг карагайнинг неча йиллик сафдош-сафардош турмуш ўртоги — Хосият.

Чигирткадек чиллашир бу аёл, кимсан, Кўйли гуппидек инсон зотига бўй бермайдиган, хар гапида "аканг карагай!" дея кўксига урадиган тогдек ўктам йигитни кайси макри-макоми билан камондай эгиб, бурнидан ип ўтказиб олганига ахли овул хайрон. Хайронлик аканг карагайнинг ўзига хам маълум. Аммо, бировга сир бермайди. "Биз бачаларнинг энасини бекорга кўрбошим, деб мактамаймиз, — дейди у тилини кисмокчи бўлган мактанчок тенг-тўшларига. — Конида бор. Бобоси Ибод чавондоз босмачи бўлган. Шўролар хукумати энди-энди тузилаётган замонларда, чавондозни партиёга ўтказмоччи бўлишади. Кийкириб от чоптириб юрган эмасми, райком бюросида биттаям саволга жўяли жавоб килолмайди. Шунда, китайский кўлфонардай кўзларини чакчайтириб ўтирган райком котиби, тўсатдан, босмачи тўдасида бўлганмисан, тўгрисини гапир, дея зўгим кипколади. Ха, дейди чавондоз. Большевистик партиёни куни босмачига колдимми, ўшкира кетади ўтирган жойида бир газ бўйи сакраб тушган райком котиби, бу зараркунандани йўкот кўзимдан!

Уларни кўчага хайдаб чиқаришганда, тутаким кетган колхоз парткоми, баччагар, бўлсанг-бўлгандирсан, йўк, десанг биров тилингни сугуриб олармиди, деса содда чавондоз, кўрвошининг ўзи сўраб турибди-ку, кандай килиб ёлгон гапираман, ака, дермиш огир ух тортиб...

Бизни хотин ана шунака кўрвошилардан...

Бу хангоманинг канчаси чину канчаси ёлгонлиги, аканг карагайнинг аёлига неча пуллик алоқаси бор-йўклиги билан хеч кимнинг иши йўк, бир банда кизикмайди, кизиккиси хам келмайди. Лекин барчага бирдай маъкул. "Биззики хам шунака... бизники ундан ўткази... биззи кўрвоши..." деб, аёлларини таъриф-тавсифлашга тушиб кетишади, бир-бирларига маъноли-маъноли карашади, илжайишади.

— Сопига довур ерга ботириб кетмон чопида, ўрок ўради, сувчилик килади, сигир соғиб катик ивитади, олти, мен билан кўшиб хисобласа еттита эркакнинг кир-чири, пишир-куйдири — хамма-хаммаси зиммасида. Уй беги, чин кўрвошиси!

Тушунарликми?

Хамма тушунади. Тушунмаган эркак колмайди. Шунинг билан, фалончи хотинининг кули,

писмадончи рўмол ўраб юрсин, кабилидаги пичингларга нукта кўйилади. Сухбат окими бошка тарафга эниб кетади. Хар кимнинг дарди-касали ўзига маълум, ўзига равшан...

2

Етти кават ер тагида илон кимирласа сезадиган кўрбоши, аканг карагайнинг шашти пастлигини фахлмаслиги мумкин эмас, албатта.

— Тога бўй бермадимми?— худди ичидагиларни ўкиб тургандек тиккалай сўрокка тутди у. — Нимага гарангсиз турибсиз?

— Хештима. Камандировкада экан, — ёлгонлади аканг карагай. — Шер аканиям, Юлдузниям тополмадим. Хофизни прадуссир дегувчи югурдаги боракан, икки-уч кунда гаплашиб, хал бўлса, айтаман, деб ваъда берди.

— Ундай бўлса, анграйиб ўтирмай, катталарни чакиринг, маслахат оши килиб, тайёргарликни бошлайлик. Улжон момом айтарди, ёниди бир мири йўк, туянинг тишини кўрар, деб. Тўй-тўй, деб чаккангизга гул такиб юрибсиз, буёкда хеч вақонинг тайини йўк.

Аканг карагайнинг режаси хам шундай эди. У аёлига бир ўкрайиб, ўглини ёнбошига ўтказди, мехмонларни номма-ном айтиб, ёздирди.

Ўгли Элтой велосипедини гизиллатиб, хабарчиликка кетди. Аканг карагай супади бир ўзи колди. Овозаси Тошкентгача етиб борадиган тўй килиб, тогани донг котириш иштиёки юрак-багрини ўртаётган эди.

У икки-уч кундан буён тиг тегмаган рапидадек ияк-чаккасини кирт-кирт кашиб, супадаги кароватга ўтирди. Темир кароватнинг пружиналари гижирлаб кетди.

Чўнтагидан носковок чикарди, (папирос кимматлашгандан буён, ўзимизнинг "товар", деб носга ўтиб олган), тишига так-так уриб нос отди, токка томон сузиб кетаётган кўрпадай-кўрпадай кара-кўнгир булутларга тикилиб, узок сукутга чўмди. Шу махал: "Кўкка кара, осмон кудукка ўхшайди", деган бир сас кулоклари остидан елиб ўтгандай бўлди. Думалок кўзлари кисилиб, осмонга тикилди. "Кудукмиш... — кўрсаткич бармогини чаккасига нукиб айлангирди, — соглик жойидами?"

"Бир этак боланг бор, ер тирнаб топганларингни шамолга совурма, — пичирлади яна ўша сас. — Келин-куёвнинг дўст-ёрларига ихчамгина базм кил, колганини сандикка солиб кўй. Рўзгорнинг ўттиз икки огзи бор, дейдилар. Хали кўп керак бўлади".

Аканг карагайга худди тогаси кўлини валламатларча елкасига кўйиб, тепасида тургандек туюлиб кетди. "Кўлингизни тортинг!", дегандай елкасини силтаб, ён-верига нигоҳ ташлади. Тогасининг ўгитлари ёдига тушгани сайин табиати тирриклашди. "Гўё биз билмаймиз, гўё бошка планетада яшаб юрибмиз,— овозини чикармай гулдуреди у.

— Ўзим ахмок, ўзим эшак мия! Эшак мия бўлмасам борармидим? Шунча панду насихатлардан кейин, яна артистлардан гап очаманми? Баттар бўл. Энди кўнглинг жойига тушгандир... — У чапанчасига сўкинди. — Тоганинг феълени билмасмидинг? Билардинг, "Сен айтган артистларга камида кўкидан бир ярим — икки минг бериш керак", "Пулинг кўпайган бўлса, болаларни ўкит, келинни олиб санаторийга бор, дам ол, томоша кил," деб дарс берарини аккол яхши билардинг!"

У овозини баралла чикариб алам билан ўзини койиди:

— Баттар бўл! Хўкиз.

Тоганинг айтганлари огули ўкдай баданини тешиб ўтиб, суягига кадалган, захри

хали-хануз етмиш икки томирини зиркиратиб огритаётган эди. "Болаларим оч, ош-нон беринг, деб тиландимми! — каршисида тога тургандек ўдагайлади у. — Биздаям орзу бор, хавас бор. Ор-номус бор! Биз хам одам!" — огзидаги носни супа пастига караб жahl билан туфлаб юборди. — Хали... бир тўй килай, бир тўй килайки!.."

3

Кош кора-корая мехмонлар бирин-кетин кириб кела бошладилар.

Аканг карагайнинг ўртанча акаси Тўйчибой ранги ўчинкираган тахта дарвоза олдида: "Келинг, келинг; хуш кепсиз, тортинг, тортинг", деб баковуллик килиб турди.

Качонлардир панжакаш сомон сувок килинган-у, кейин кўл тегмай қолиб кетган ўн уч болорлик, вассажуфт хона одам тўлаверганидан сўнг, бинойидай мехмонхона сиёкига кирди.

Мехмонлар икки тоифа: катталар — кишлоқ оксоқоли, унинг ёрдамчиси, бозоркўм, мактаб директори, собик биригадир; якин кариндошлар — ака-ука, тога-жиян ва яна хотин тарафдан териб-териб айтилган вакиллар.

Хаммалари ўз жойини билиб-билиб ўтирдилар.

Энг охирида мачит сўфиси Даврон хожи келди У ўрта бўй, соч-соқоли тегирмондан чиккандай оппоқ, котмадан келган, кийик кўзлари мулойим кулимсираб турадиган, ёши етмишларни коралаб колган киши эди.

Хожи, тўрда — кўрпача-ю лўлаболишлари пастга туширилиб, ерга тўшалгач, ўрадай бўшаб колган тахмон тагида чордона куриб, бир таноб жойни эгаллаб ўтирган Рауф оксоқолнинг ўнг бикинига ўтиб ўтирди. Орқасига парёстик кўйдилар.

Даврон хожига кўрсатилаётган иззат-эҳтиром Рауф оксоқолнинг гашини кўзгади: пешонаси чинорнинг кузги баргидек тиришиб, карга кўзлари қисилиб кетди.

"Саллапечингдан ўргилдим! — гижинди ичида. — Ўтиришга бошка жой куриб кетганмиди?"

Хожи дуога кўл очди:

— Хар бир отанинг ўглига киладургон хакки учтадур. Тугилса, яхши исм кўймоқ; акли кирса Куръони Каримни ўргатмоқ; балогатга етганда уйлантириб кўймоқ. Инимиз Кўйликой пайгамбаримиз амалларидан яна биттасини ижро этмоқка касд килибди эканлар, тўй куллуқ бўлсин, деб дуо киламиз.

Бараварига "Овмин!" дедилар.

Хожи якиндагилар билан "вахтингиз хушми, думоглар чоғми?", дея бир-бир сўрашиб чикди, колганларга "Сиз яхшими, сиз яхшими?", дея бош ирғади. Рауф оксоқол билан алохида саломлашди:

— Дамлигинамисиз, раис бово? Хамро гидингни жанозасида кўринмадингиз?

Рауф оксоқол "хамма сендек бекорхўжами", дегандай малолланди:

— Мажлис боракан, районга чакиришувди.

Нон ушатишди, олинг-олинг дея бир-бирларига манзарат килишди. Гурунг бошланди.

— Хар гузарда тўй, шу бугуннинг ўзида тўрт жойга кириб-чикибмиз, — деди шукрона охангда Даврон хожи.

— Йигадиганини йигиб, оладиганини олиб бўлди хамма. Энди эрта бахоргача тўй килади, еб-ичади, ўйнаб кулади-да, — энса котирма килди Рауф оксоқол.

— Аллохга шукр.

Рауф оксоқолнинг чап тарафида оёқларини чалкаштириб ўтирган Кулбин

бозоркомнинг нима учундир шашти паст эди. Патсиз наmatларга тўшалган яккават кўрпачаларга, кўккандир дастурхонга, парварда, кишмиш, арзон конфет солинган кафдек-кафтдек елим таксимчаларга жийрилиб-жийрилиб кўз югуртирар, вассалар орасидан хас-хашак чикиб турган шифтга, чувалчангдек осилиб ётган узун-узун исларга караб ижирганар эди. “Шу топда бир нима дегудек бўлсанг, сен тизза бўйи ноз-неъмат, тавок-тавок гўштга ўргангансан-да, деб кесатишади,— хаёлидан ўтказди у.— Мехмон атойи худо, курбинг етса чакир”.

Бозоркўмнинг асабийлашуви кучаяверди. — Новвойдан тўртта ок нон опкелиш кимни ўлдирибди? — У коп-кора тошпатирдан бир бурда синдириб, мўъжиза томоша килаётгандай айлантириб тикилди...

— Чойни сузинг, мулла Кулбинбой,— хаёлини бузди пойгак томонда ўтирган собик бригадир. — Халитдан бери кузатаман, азага келгандай ковок-тумшук килиб ўтирибсиз, тинчликми?

Бозоркўм гавдасини унга бурди, бошини бошига якинлатиб:

— Маслахат ошига кўй-пўй сўйилмасмиди? — деди панг товушда.

Бригадир тил учида “Ха” деб кўйди. Кўкайида: “Дарди-касали томок, пул. Бозорнинг бўриси. Тўнгиздай тўк”, деган фикр кечди.

Кариндошлар томонда ҳам сухбат авжида.

— Тўй яхши-да, хар кимни тўйга етказсин,— дерди Мамаюсуф кал чойга бўктирилган ноннинг сувини окизиб огзига тикаркан. — Одамлар бир-бирларини кўради, дардлашади.

— Одамзот дунёда нима учун яшайди, тўй-томоша килай, эл-юртга ош берай, деб-да, тўгрими? — гапини маъкуллатишга ошикарди Пиён пона. — Кодиркул кассопнинг тўйидаги халкка кара — бутун облас дарёдай окиб келди-ёв!

— Улокчи отлар ҳам мингдан ошди-ёв!

— Хоразмлик артис зўракан, ўйинчиси хаммани ўйнатди.

— Насиб бўлса, Кўйлибойники унданам зўр бўлади!— мактанди Тўйчибой. — Ё Юлдуз келади, ё Шер!

“Коккани козиги, осгани хурмачаси йўг-у, чиранишини кўр!— ичида пўнгиллади Кулбин бозоркўм. — Пулинг боракан, уйингни тузат! Ўзингга кара! Сичкон сигмас инига, галвир боглар думига...”

Дастурхонга шўрва тортилди. “Данакдай-данакдай гўшт демаса, шилдир сувнинг ўзи!”— янада асабийлашди бозоркўм.

— Нон тўграб ичинг, маза киласиз,— деди бригадир бозоркўмга сирли илжайиб.

Кулбин бозоркўм кошикни бир-икки лабига текизди, кўйди. Шўрвани хўр-хўр ютаётганларни энсаси котиб кузатиб турди-да:

— Бўкиб-нетиб колмасдан аввал маслахат килайлик! — деди зарда билан.— Кўйлибой, нима топшириклар бор?

Кўйлибой лабларини кўлининг оркаси билан шоша-пиша артиб:

— Тўйда тўйбеги бўп турсангиз бас, бозорком бова,— дея итоаткорона илжайди.

— Жой кўчадами?

— Ярим гектар ховли туриб, кўчангиз нимаси? — унинг ўрнига жавоб берди

Тўйчибой.— Олмаларнинг остини текислаймиз — улок чопгудай майдон, теварагига гилам терамиз — гулдай тўйхона!

— Устини ёпиш даркор, — маслахат берган бўлди Рауф оксокол. — Нима бўлганидаям олдимиз киш, шир этиб корми, ёмгирми ташлаб колса, сичконнинг ини минг танга бўлиб

юрмасин.

— Менга колса, райсентирда, тўйхонада ўтказган маъкул, — деди мактаб директори бўшаган косани ўртага суриб кўйиб, — Иссик, тинч, озода, батартиб, тўй эгалариям мехмондай бориб, мехмондай юради.

— Бола-чака, хотин-халаж оёк остида ўралишмайди,— уни кувватлади собик бригадир.

— Э-э! Бола-чака, хотин-халажнинг кий-чувисиз тўй, тўйми!— энсаси котди Тўйчибойнинг. — Рестаранингизни шахарликка чиқарган, ака.

— Хў-ўш,— деди Рауф оксокол мухим масалани хал қилгандек чўзиб.— Демак, ховлида. Жойни аниқладик. Коса-тавоқ, стол-стул, чойнак-пиёла дегандай...

— Ўтиргичларни мактабдан, коса-кошиқларни бозор ошхонасидан олсак, деб турибмиз. Гилам-шолча кўни-кўшнидан чиқар,— ахборот берди мезбон.

— Мехмон канча бўлади?

— Кишлоқ, ўз-ўзидан тўлик айтилади, — сайраб кетди Тўйчибой. — Кўшни кишлоқлар ҳам. Анчадан бери марака-маврид қилганимиз йўқ. Элникини еб юрибмиз. Карз. Карзни узиш лозим.

— Гўшт, гуруч-ёғ дегандай, хал бўлганми? Арокчи?

Аканг карагай куракдай кафтлари билан гўштор бўйнини ишкалади.

— Битта новвос, битта кўчкор боқувда. Сабзи-пиёз ўзимиздан чиқиб қолар.

Колганларига... — У "колганларига, мана, сизлар бор", дегандай ер остидан қариндошларга назар ташлади. Одатга кўра, ога-инилар тўёнларини айтиши — биттаси гуручини, иккинчиси ёғини, учинчиси шираворини зиммасига олмоғи лозим эди. Хозир бўлса... Хеч қимдан сас-садо чикмади...

Айни шу дақиқаларга умид боғлаб ўтирган аканг карагайнинг дами қайтиб, томоғига муз тикилгандай танглайигача музлаб кетди.

Нокулай сукут чўқди. Хамма чўян печка устидаги ранг-туси билинмай кетган тунука чойнақнинг шигиллаб қайнашига махлиё бўлиб қолгандай эди.

Сукунатни бозорқўмнинг хиркирок товуши бузди:

— Тўй, ўзи қачон?

— Ха, дарвоқе, тўй қуни аниқми?— қизиксинди Рауф оксокол.

— Вақтини белгиланмай турибмиз, — аранг жавоб берди аканг карагай.

— Ниманинг маслаҳат қиялми унда?— ошқора ажабланиб бозорқўм. — Қунини айтмай тўй қилсанми?

— Артистлар масаласида ишқал чикди.

— Қандай ишқал, тоғага бир оғиз шипшиб қўймайсанми?

Аканг карагайнинг бўғзидаги муз парчаси энди бир ховуч чўққа айланиб азойи баданини қуйдириб юбораётгандек бўлди.

— Кўйинг, гапирманг! — деди биров томоғидан бўққандек хиркираб. — Шу одамга орқа қилиб, тушиб ўтирибман.

— Бу нима деганинг?! — савол берди икки-уч киши бараварига.

— Ай-й! — кескин қўл силтади аканг карагай. — Яхшиям, қарз сўраб, амал сўраб бормаппан, уриб ўлдираркан. Каттасиниб кетганини билганда, қадамим доримасди. Хамма анг-танг бўлиб қолди. Ахир, "тоға", қимсан — кишлоқдан, нафақат кишлоқдан, бутун бошли тумандан етишиб қикқан энг таниқли, энг хурматли одам — Вали Рустамович эди-да!

Вали Рустамович неча йиллардан буён республика вазирликларидан бирини гард юктирмай бошкариб келади, обрў-эътибори мамлакат доирасида ҳам хазилакам эмас, хамма жойда айтгани-айтган, дегани-деган. Шундай катта амалдор-у, боладай содда. Кишлокка келса, сим-сиёх "Мерседес"дан тушган захоти дарров яп-янги кастум-шим, лоларанг бўйинбогни ечиб, оддий кийим-бошга алмаштириб олади-да, тўгри кабрстонга боради, аввал онасининг, кейин отасининг мозори ёнида чўккалаб, кироат билан Куръон тиловат килади. Сўнгра акаси етакчилигида кишлок айланади. Тўй, таъзия бўлган хонадонларга бирма-бир кириб, хол-ахвол сўрашади. Ёрдам сўраганларга кўлидан келганини аямайди: хамкишлоklarининг неча-неча фарзандлари унинг кўмагида олий маълумотли бўлди, ишга ўрнашди.

Шундай инсон тўгрисида айтилган нописанд гап тирсагини сонига тираб, эчки соқолини ямлаганча сухбатга кулок солиб ўтирган Али махсумга ёмон таъсир килди. У барча иддаоларга бардош берар, босмакоғоз тўкилган рангларни шимиб-ичиб олганидек унча-мунча савдоларни ичига ютиб юбора билар, аммо укасига — Вали Рустамовичга пашша кўнса, чидаб турулмасди. Вали Рустамович Али махсум учун шунчаки бир ука, шунчаки бир амалдор эмас, машаккатли меҳнат билан тенгсиз бахтга эришган метин иродади, пок, олижаноб инсон тимсоли эди! Фахрланади, кўчаларда кўкрагини кериб юради шундай укаси борлигидан гурурланиб. "Бир омади кулиб, министр бўлиб колган, деб ўйламанглар, — дейди хасад килганларга. — Бошидан кандай кийинчиликлар ўтмади укам боякишнинг. Ўзи Тошкентга борди, ўзи ўкиди, ишга кирди, уй-жойли бўлди — биттамитдан бир чака сўраган эмас. Аксинча, байрамларда келиб хаммамизга совга-салом улашиб кетарди. Кейин эшитсак, студентлигида кундуз ўкиб, кечаси кайрок заводда ишлаган экан. Институтни тамомлаб энди ишга кирган пайтларида ҳам шанба, якшанба кунлари мардикорлик киларкан... Хизир назар солмаса, эшак бозорга даллол бўлмайсан. Рахбарликка ҳам хар кимни кўявермайдилар...

Махсум, вайсаки жияни аканг карагайнинг кулокчаккасига кулокчашлаб тортиб юборгиси келди-ю, бир амаллаб ўзини босди:

— Чийрилмасдан, тушунтириб гапирсанг бўлмайдимми? Хўш, укам нима деди?

— Тўй килма, деди. Кичкинагина зиёфатча кил-кўй, деди. — Жазавази тутди аканг карагайни. — Хар кун тўй килиб, хар кун келин тушираётганимдай, тўй билан хеч кимни койил килолмайсан, эмиш. Каллани ишлатиш керак, эмиш. Гўё у калла — калла, бизники салла.

— Йўг-е! Шунака дедими? — деди ясама хайронлик билан Поён пона. "Кўйлининг тўйига Юлдуз келармиш, Шер келармиш", деган шов-шувлар чиккандан буён гайирлиги келиб юрарди унинг. — Тугишган тога, ўз жиянига-я..! Хай, дунёйи кўтир.

— Мазах килди! Ёш бола килди. Камбагаллигимни бетимга солди! — титраб-какшаб бакириб юборди аканг карагай.

— Ёмон бўпти. Яхши иш бўмапти. Вазир одам, ўйлаброк гапирмапти, — бошини сарак-сарак килди Поён пона. — Катта бўлса, ўзига.

— Халкка кам аралашгандан кейин шу, — унинг ёнига тушди Хосиятнинг акаси Парда курук. — Элдан чикибди.

— Билганингдан колма, — деди кимдир.

— Шу килганига, Шерни ҳам, Юлдузини ҳам опкеласан, тонг отгунча ўйнатамиз, — деди бошкаси. — Кистирмаган номард.

— Менга колса, ёнбошига кўпкариниям кўшворардим, — деди яна бошка бирови.

Али махсумнинг газаби кайнаб, ўнг кавоги уча бошлади. "Кистасида бўлмаса, битига

киладими!", деб юборишдан аранг ўзини тийди.

Даврон хожининг юзлари тундлашиб, пешонасидаги ажинлар чуқурлашиб кетди. — Якинлар билан кариндошчилик ришталарини боғлашлик, дўстларга меҳр-окибат кўрсатишлик, эски китобларда силаи раҳм дейилади, — деди у насихатомуз охангда.— Агар бир киши силаи раҳм килса умридан уч кун колган бўлса, Аллох таоло унинг умрини ўттиз йил зиёда килади, агар силаи раҳми узган бўлса, Аллох таоло уч кунга тушириб кўяди. Тога — тугишганга тенг. Дигар — дигар, жигар — жигар. Шайтонга хай беринг, Кўйликой иним. Вали домлани хамма билади. Мулоҳазалирок бўлайлик. Исрофгарчилик бўлмасин, харажат-хўрда бўлиб жияним кийналиб-нетиб юрмасин деб, ўйлаган-да, ахир.

Даврон хожининг давра беклиги, даврани огзига каратаётгани Рауф оксоколнинг гашига тегаётган эди. "Хожи эмас, мендан лозим эди бу гаплар, — деди у ичида афсус билан. — Кимсан, давлатдан мояна олиб турган раҳбар, дабдабаю ас-асаларнинг олдини олишга жавобгар масъул шахс бўлсам! Колаверса, гап айланиб Вали Рустамовичнинг кулогига етиб борса, ким деган одам бўламан, курукнинг ўтига хўл куяр, бўлиб колмагин яна, оксоколликка давогарлар кўпайганда хокимга айтган, кўллаб-кувватлаган ким эди?"-У хатосини тузатишга шошилди:

— Вали Рустамович хукумат одами. Гумбурлатиб тўй кил, жиян, десинми, пайтавакулок! Сенинг дангир-дунгиринг кимга керак? Давлат карши, халк карши, чиранишга бало борми?

— Яна насихатми? — калампир чайнагандай афтини бужмайтирди аканг карагай. — Бой тўй килса, хамма хизматда: кассоп жахонга ош беради — чурк этмайсиз, Мели ферма кўпкари солимга туя кўяди — огзингизда талкон...

— Оксокол, аклли одам ўзига раҳнамо излайди, ахмокка эса унинг кераги йўк,— деди Али махсум "бунга гапириш бефойда" дегандек хўрсиниб. Сўнг газаби ичидан тошиб кетишидан кўрккандек лабини махкам кимтиб "пона"чиларга юзланди. — Буни, майли, нодон, дейлик. Сенларни кайси жин чалди? Кечаси билан пул печатлаб чикадиган заводи йўк-ку! Тўгри гап ўрнига, пишанг беришдан уялмайсанларми?!

— Тўгри гап тукканингга ёкмайди, — тўнгиллади аканг карагай.

Али махсумнинг икки чаккасига буров солингандек, боши огрикдан зиркираб кетди. ўзабнинг зўридан тили калимага келмай дудукланди:

— Кўйли... жиян... Ўйламай сўйлаган — огримай ўлади. Бировнинг аркони билан чуқурга тушма, кайтиб чиколмай кўп азоб ейсан. Хамрохингга эмас, хамёнингга бок, жиян. Хеч ким сенга ёмонлик согиниб турган йўк. Тўй деб, бор йиккан-тикканингдан айрилма, хамма хайитга кетганда хумга кириб ётишнинг кераги йўк, деяпмиз, нега тушунмайсан!

— Зомбирдай чакаверманг-да, тога,— уканинг тарафини олди Тўйчибой.— Бола тўй килмокчи, ўгрилик эмас.

Рауф оксокол увишиб колган оёгини укалади:

— Ари чакди деб аразламанг, иним, арини боли бўлади. Юрганда оёкни эхтиёт килгандек гапирганда тилни тиймасанг, тишинг синиб колиши мумкин.

Кулбин бозоркўм токатсизланди:

— Ош-овкатиног бўлса опке, бўлмаса, турайлик.

— Каёкка турасиз, хали хештима хал бўлган эмас-ку! — Фигони фалакка чикди Тўйчибойнинг.

Кўйли тўнгиллаб-тўнгиллаб чикиб кетди.

— Дастурхонга каранглар, бир кунлик тўй ўтади-кетади, кизишиб, юзимиз шувит бўлиб юрмайлик бир-биримиздан, — деди Даврон хожи.

Дастурхонда, майна талагандек, куртлаган майиз-ёнгогу арзон конфетларгача тугаб бўлган эди.

— Огайнилар, ростини айтганда, кўрган кунимиз курсин, — давом этди Даврон хожи.

— Йил-ўн икки ой куш тинса тинади, биз тинмаймиз. Емай-ичмай йигамиз-да, тўйда ариқка отгандай окизиб юборамиз. Кейин юрамиз, карзга ботиб, тишимизнинг кирини сўриб.

— Омон бўлинг, хожи ака, омон бўлинг. Аммо-лекин, ярамни тирнаб юбордингиз, — деди салки ковоклари шишган собик бригадир ички армон билан. — Сафаркулимни уйлантирганда беш юз минг карз бўлганман, тўрт юзи хали шундок турибди.

Биттасидан юз олгандим, сўрайвериб ит кунини бошимга солди, шу зангардан кутулай, деб кўзимнинг сийдигини окизиб пул сўраб бормаган эшигим колмади. Ўзингда йўк, оламда йўк. — У огир юкни бир зум елкасидан кўйиб, яна уни кўтариб кетишга махкум кимсадек чукур "уф" тортди. — Елкамда тоғ, еганим — куйдирги, ётганим — кафан, ўйлайвериб-ўйлайвериб кечаси билан ухлолмай чикаман.

— Карзни вақтида узмок фарз, — деди Даврон хожи. -Мол аччиги — жон аччиги. Пул жигардан бўлади. Тўра каззопнинг болалари бир-бировини чавоклаб ташлади-я! Даврон хожининг кейинги мисоли мехмонларнинг "гап халтаси"ни очиб юборди:

— Пичок кўкракка кирмагунча кўзимиз очилмайди.

— Олишда, хой-хой, беришда, вой-вой-ми?

— Кўрпага караб оёк узатиш керак...

— Мўлтонини тўйидай чувилламанглар!

Эшик ланг очилди. Катта сопол товоқларда бугланиб турган таом келди.

— Совусга мархамат килинглар, — манзарат килди Тўйчибой.

"Совус эмиш... — ичида тўнгиллади бозоркўм, — Совус деганда гўшт бўлади, ёғ бўлади. Муррайган картошка-пиёз билан кайнок сув қачондан бери совус бўлди... Минг ерига пичок урсанг бир томчи кон чикмайди-ю, тор кўчага кўш карнай".

— Нон опке, — деди кимдир асабий.

— Арок-марок йўкми? — сўради Шариф тажанг. — Томоқлар тақиллаб кетди-ку!

— Арок-марокни тўйда ичамиз, — деди Тўйчибой зўраки илжайиб.

— Тўйда отиб ётсак, хизматни хотинлар киладимиз? — сап-сарик тишларини кўрсатиб хо-холади Шариф тажанг ва, тўсатдан, жиддий тус олиб Кўйлига юзланди. — Урсанг хам, сўксанг хам бир гап айтаман, ошна. Вали тога юз просан хак! Сен билан менга совундай кўпиришни ким кўйибди. Тутуннинг аччигини мўри, сенинг ахволингни мен биламан!

— Вайсамай овкатингни е, — ижирганди Кўйли.

— Вайсайман. — Шариф тажанг ростакамига тажанглашди. — Нега вайсамай! Ичганимиз ёвгон, кийганимиз йиртик чопон, Юлдуз-Юлдуз, тўй— тўй, деб томоқ йиртамиз. Мана, манда тўртта бола бор, каттаси бу йил мактабни битириб, худога шукр, — эзгин жилмайди, — институтдан йикилиб келди. Колганларининг ўқиши хам ноль! Чунки, бизни худо урган. Фарзандим ўқисин, одам бўлсин, деб стол-пистол, компутир-пампутир олиб бермаймиз, репититир, ўқиш маркази деган жойлардан пулни кизганамиз. Тўй деса, минг кўйли бойдай ховучлаб сочамиз. Катта тўй бериб кўчама-кўча керилиб юргимиз келади. Кимга кериламан, нимамага кериламан, кошки хамкишлоқлар кимлигимдан беҳабар бўлса. Бу кунингдан ўл, дейдиган номард йўк.

— Гап факат тўйда эмас, — деди халидан бери дардини ичига ютиб ўтирган Али махсум фурсат келганидан жонланиб. — Каллани ўзгартириш керак, каллани. — Армияда немисларнинг тўйини кўрганман. Саккиз одам билан ўтган. Яримта шнапс хаммадан ортиб колган.

Дафъатан огир жимлик тушди. Аканг карагай чакагини кирт-кирт кашиди, собик бригадир бошини солинтириб ерга тикилди. Тўйчибой томок кириб, ўтирган жойида кимирлаб кўйди. Бир зайлда шигиллаб турган печка устидаги тунука човгум чўзиб хуштак чалиб юборди.

— Немис — немис, ўзбек — ўзбек. Тўйни биз ўйлаб топган эмасмиз, кадимги удум. Хар кимнинг орзу умиди бор. Киламан, депти килсин, сизга нима?— шовкин солди Поён пона. — Кўйли, огайни, билганингдан колма.

— Ёмон жўрадан бир чеким нос афзал, дегани шу-да, — астойдил хафа бўлди Али махсум.

— Хафа бўлманг, — кулогига шивирлаб махсумни юпатган бўлди Рауф оксокол. — Эшак маслахатлашиб ханграмайди...

5

Аканг карагайнинг нафаси бўгила бошлади, кеткиси, диккинафас бу уйдан тезрок чикиб хеч ким кўрмайдиган коп-кора тун кучогига сингиб кеткиси келиб кетди. Кун бўйи арик ковлаган мардикордай хоргинлик сизди вужудида. Нега Тошкентга борди, нега тогасига ялинди, тутуруксиз гийбатчи кариндошларни нега чакирди? "Тошдан сув чикса чикар, булардан бир чака чикдими? Чикмади! Чикмайди! Харжлайдиган сен, пул топадиган сен, зарилмиди захар-заккум кесатиклар. Пона рост айтади, билганингдан колма."

У одамлар қачон турди, қачон таркалди, аёли қачон болаларга бош бўлиб йигиштиришга киришиб кетди, англолмай колди.

Акли-хушини йигиб олганда, бир ўзи супада оёқларини керганча серрайиб турарди. Хаво муздек экан, энтикиб-энтикиб симирди, тунги изгирин юз-кўзига тикондай санчилди. Бадани жунжикди. Лекин, уйга киргиси келмади. Чўнтакдан носковогини чикараётганида калишини "шап-шап" судраб кўрбоши кепколди.

— Ана, бир ташвишдан кутулдингиз. — У челақдаги сувми, ювиндими — "шўр" эткизиб супа пастига тўкди. Бўш челақни ерга кўйиб, икки кўлини белига тиради. — Мехмонлар хафа бўлмай кетдими ишкилиб. Тўёнадан гапиринг, калай, ўтли-чўглими?

Аканг карагай жавоб бермади. Хотинига еб кўйгудек ўкрайиб каради. Кундуз куни бўлганда эрининг алвастиникидай олайиб кетган кўзларини кўриб, эсдан огиб қолиши хеч гап эмасди. Коронгулик яширди. Коронгулик кўп нарсаларни бекитади.

Коронгуликдан айлансанг арзийди гохи— гохида...

— Индамайсиз, носингиз борми?

— Кўявер, — худди ўзига гапирётгандай секин пичирлади у.— Девонанинг ишини худо ўнглайди.

Кўрбоши тушунди.

— Кўяверинг, энди кўряпмизми, — деди бир зумлик сукутдан кейин хамдард товушда.

— Кишда бир ховуч кор сўрасанг, "неччи сўм?", дейдиган курумсок кариндошларингиздан қачон ёруглик чикувди.

Бу гап пичингдек туюлди аканг карагайга.

— Сеникилар жа-а хотами той! Согай десанг — сут, киркай десанг — жун йўк сеникиларда.

— Ичингизга илон кирганми, мунча захар сочасиз! — Кўрбоши "боре!" дегандек терс ўгрилиб нари кетди.

У яна ёлгиз колди. Юлдузларни ютиб юборган симсиёх осмонга синик нигоҳ ташлади. Шу пайт кулоги остида яна тогасининг таниш овози эшитилгандай бўлди: "Осмон тубсиз кудукка ўхшайди. Ундан чалпак тушади, дейдиган андилар ҳам бор". Сесканиб кетди. Ён-верига хавфсираб караб кўйди. "Топган маталини... — шивирлади сўмрайиб. — Кудук эмиш... Кудук..." "Ялт" этиб сўнган юлдуздек галати бир умид тўсатдан хаёл осмонида чараклаб кетди. Худди кўкдаги кудукдан бир телпак тилло "тап" этиб оёғи остига тушаётгандек туюлди. Умрида афсона-эртакка ишонмаган одам, худди ёш боладай сеҳрланиб, кўзларини чирт юмди. Кўз очса, барча умидлари чил-чил синишидан кўркиб анча вақт кимирламай турди-турдида, кўрка-кўрка кўзини очди: коракуя осмон инсон зотини тириклай ютиб юбораман, деб турган бахайбат аждардай вахимали кўринди... — Тентак, — деди ўзига-ўзи.— Бир уй одамдан, бир хўплам сув оберадиган битта мард чикмади-ю, осмондан химмат кутасанми?! — У оёғи остидаги пакирни алам билан тепиб юборди, анча жойга тараклаб думалаб кетди.

Тошкент, тога, маслахат оши, кесатик-пичинглар, тортишув-бахслар... Боши сиркиради. Ер, осмон кўз ўнгида гир-гир айланаётгандай чайкалиб кетди. Кўкдаги кудук коп-кора булутларга кўшиб унинг ўзини ҳам тубсиз комига тортиб, ютиб юборадигандек вахимага тушди. Кимдандир касос олиш, кимгадир, ниманидир кўрсатиб кўйиш туйгуси юрак-багрини янада кучлироқ ўртай бошлади.

— Киламан! Кафангадо бўлсам ҳам! — муштини фалакка дўлайтириб тубсиз кудукка дўк урди.